

Алишер Мусирмон ўғли ЖАББОР,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Дин психологияси ва педагогика  
кафедраси таянч докторанти  
[alisher.jabbor@yandex.com](mailto:alisher.jabbor@yandex.com)

## ДИНИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТУШУНИШ – ДЕСТРУКТИВ ДИНИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

### КОНЦЕПЦИЯ РЕЛИГИОЗНОЙ ИНФОРМАЦИОННО- ДЕСТРУКТИВНОЙ КАК ФАКТОР ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ РЕЛИГИОЗНОГО ПОВЕДЕНИЯ

### UNDERSTANDING RELIGIOUS INFORMATION-DESTRUCTIVE AS A FACTOR OF PREVENTION OF RELIGIOUS BEHAVIOR

**Аннотация.** Мазкур мақолада диний маълумотларни тушуниш ва деструктив хулқ-атворни олдини олишнинг психологик хусусиятлари келтирилган. Диний маълумотларни тўғри идрок этиш-деструктив хулқни олдини олишнинг қулай ва самарали усули сифатида талқин этилган. Деструктив диний хулқ-атворнинг таҳлили қатор тадқиқотчиларнинг назарий қарашлари орқали очиб берилган.

**Таянч иборалар:** диний маълумотлар, тушуниш, деструктив хулқ-атвор, психологик хусусият, шахс, идрок, таъсир этиш, индивидуаллик.

**Аннотация.** В этой статье представлены психологические особенности понимания религиозной информации и предотвращения деструктивного поведения. Правильное восприятие религиозной информации трактуется как удобный и эффективный способ предотвращения деструктивного поведения. Анализ деструктивного религиозного поведения раскрывается в теоретических взглядах ряда исследователей.

**Ключевые слова:** религиозная информация, понимание, деструктивное поведение, психологическая черта, личность, восприятие, влияние, индивидуальность.

**Abstract:** This article presents the psychological features of understanding religious information and preventing destructive behavior. Proper perception of religious information is interpreted as a convenient and effective way to prevent destructive behavior. The analysis of destructive religious behavior has been revealed through the theoretical views of several researchers.

**Key words:** religious information, understanding, destructive behavior, psychological trait, personality, perception, influence, individuality.

Дин омилининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганишга интилиш, аввало, унинг асосини ташкил этувчи манбаларни, улардаги ғояларнинг одамлар томонидан ўзлаштирилиши муаммосини ўрганишга бўлган қизиқишни оширмоқда. Барча жамиятларда билимли, ўз дунёқараши ва мушоҳадасига эга бўлган инсонлар ҳар қандай муаммоларга жавоб топа олган шахс сифатида эътироф этилган. Кейинги йилларда бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз динидан, муқаддас идеалларидан ва эътиқодидан айиришга қаратилган турли хил экстремал хатти-ҳаракатлар намоён бўлмоқда.

Диний мавзудаги маълумотлар-динларнинг мулоҳаза майдонига кирувчи ва диний талқин учун қўлланувчи маълумотлар ҳисобланади. Диний маълумотларни тушуниш даражасига қараб, уларни шартли равишда учта типологияга ажратиш мумкин. 1) тушуниш учун шахс маълумотни ўзи кидиради ва қайта-қайта ўқийди; 2) маълумотни тушуниш учун бошқаларга мурожаат қилади; 3) маълумотни тушуниш учун бошқа шу турдаги қўшимча маълумотларга ҳам суянади. Шу билан бир қаторда диний турдаги маълумотни қай тарзда тушунади яъни бирёқламаликка йўл қўймоқдами ёки кенгроқ маънода тушунадими деган мулоҳазаларни шахснинг когнитив соҳаси билан қамраган ҳолда кўриб чиқиш лозим саналади.

Бу борада диний маълумотларни тушуниш муаммоси бўйича психологик жиҳатдан таҳлил қилинган бир қатор тадқиқот ва амалий ишларни кўриш мумкин. Шундай ишлардан бири Ф.Е. Василюкнинг тадибиотларида

келтирилган. У 1995 йилларда Москва университетда “Христианлик психологияси ва антропологиясининг методологик муаммолари” мавзусида бўлиб ўтган семинарда христиан динига оид манбалардаги матнларни қайтадан психологик таҳлилини амалга ошириш, проблематик жиҳатларини қайта кўриб чиқиш масаласи кенг муҳокамага қўйилади. [1: 82-64] Диний маълумотлардаги тушунчалар даражаларининг таҳлили масаласи Б. Ахмадулинанинг мақоласида тадқиқ этилган. У 22 ёшдаги ўспиринларнинг хулқ-атворини ўрганиб, диний ахборотлар орқали таъсир қилиб, улардаги шизофреник хасталикларнинг тузалиш даражаси қай тарзда кечиши ва уни дифференциал диагностик жиҳатдан баҳолашга ҳаракат қилади. [2: 34-36]

Диний маълумотларни тушуниш муаммосининг психологик жабҳаларини экзистенциал йўналиш доирасида талқин қилиш матнни тушунувчи шахснинг идроки ва дунёқарашига асосланади. С.Кьеркегорнинг таъкидлашича диний тусдаги маълумотларни инсон англашида асосан кўркув ва қалб каби хусусиятлар асосий устувор жиҳатларни ташкил қилади дейди. Бунда инсон ҳаётида олган билимларигина диний мазмунни англашга ёрдам бера олиши мумкинлигини таъкидлайди. [3: 357]

Диний мавзудаги маълумотларни тушуниш ва шахс хусусиятларига таъсир масаласини ўрганишда Шах Саида, Сьюзен Догерте, Ye Wangbei, Боландхематан, Николас, Маргарет Карсуэлл, Девис Ланта, Фатима Сажжадлар ва бошқаларнинг ишлари асосий ўринни эгаллайди.

Н.А. Рубакин (1922 й.) ишлаб чиққан библиопсихоллингвистикада матнни ўзлаштириш ва талқин қилиш психоллингвистик жиҳатдан тадқиқ этилган. [4: 46] Матнларни фалсафий жиҳатдан герменевтик тушунишга доир ишлар М. Хайдеггернинг ижодида яққол кўринади. Хайдеггер “Биз дунёга кириб келдик, оламни кўрдик, деймиз, бироқ биз фақат ўзимизнинг шахсий ҳаётимизни, фақатгина ўзимизнинг дунёимизни кўрамиз холос” деб таъкидлайди. [5: 42] Яна бир олим Гадамер матнларни талқин қилиш ва тушунтиришда тадқиқотчи матнна тушунишда анъана ва тилни билиш етарлидир

дейди. Гадамер тарихий ходиса билан боғлиқ барча актуал муносабатларни унинг асл қимматини матннинг тўғри тушунишини аниқлаб беради деб тушунтиради. [6: 9] Шу билан бир қаторда ислом оламида қиёсий герменевтик талқин яъни тафсир ва таъвил илми билан шуғулланган жуда кўп мутафаккирлар ўтган. Улардан бири Абул Муъин Насафийдир. Насафий ўзининг “Мадорик танзил” номли тафсир китобини ёзишда Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсиридан фойдаланган. Бундан ташқари “Иймон”, “Тафсири Нўъмоний”, “Тафсир тибён”, “Тафсир мавлона чархий” каби маҳаллий лугатларда ёзилган кўплаб тафсирлар мавжуд. Кўп олимлар ўз мақсадларидан келиб чиқиб, асарларига Қуръони Карим суралари ва оятларидан фойдаланганлар. Масалан, Имом Ғаззолий ўз асарига ўлим ҳақидаги оятларни йиғиб, шарҳлар ёзиб тасниф қилганларни кўриш мумкин. [7: 194]

Диний маълумотларни нотўғри тарзда талқин қилиш диний секта ва жамоаларга хосдир. Диний секталар-авторитар иерархик ташкилот бўлиб, унга қуйидаги белгилар хосдир: “худо томонидан сайланганлик” ва “ўзига хослик”ни тарғиб қилиб анъанавий динларга қарши туриш. Шунингдек, ўз аъзоларининг асосий ҳаётий кадриятларини мазкур ташкилотга сиғинувчиларнинг тор гуруҳий кадриятларига айлантириш мақсадида фаол манипуляция усулларини қўллаш, ташкилот ва унинг лидерларига руҳий мутеликни яратиш, ўзининг таълимоти ва амалиётини ички сакраллик тушунчаси билан ниқоблаш, яъни таҳлил қилишга йўл қўйилмаслиги тушунилади. Секталар янги ёки ноанъанавий диний ҳаракатларни ўрганиш муаммосига нисбатан турли ёндашувларга эга. Шундай ёндашувлардан бири психологик ёндашувдир. Психологик ёндашув-сектанинг шахс психик саломатлигига таъсири билан характерланади. Ушбу нуқтаи-назардан сектада эътиқод муҳим эмас. Балки адепт (мурид)ни жалб қилиш усуллари, уни ушлаб туриш ва унинг сектада яшаши, психологик ҳолати кўпроқ аҳамиятга эга. Бунда Стивен Хассенинг иборалари қўлланилади. Деструктив маданият-ёлғон эътиқодни тарғиб қиладиган

ва ўз издошларини лидерлар ва доктрина (ақида)га қарам ҳолда сақлаб туриш учун онгни назорат қилишга чоғланган исталган авторитар иерархик ташкилот бўлиши мумкин. Психологик ёндашувда Маргарет Тейлор Сингер томонидан таклиф этилган маданий муносабатлар тушунчасини келтириш мумкин. Маданий муносабатлар-бу одамлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, мазкур жараёнда бир инсон бошқа бир одамни тўлиқ ёки деярли тўлиқ тобъе этиб уни деярли барча ҳаётини муҳим қарорларида иштирок этади ва у одамда ўзининг махсус иқтидори, лаёқат ёки қобилятига ишонч уйғотади. [8: 204]

Онгни назорат қилиш яъни манипуляция муаммоси диний секталар олдида турадиган асосий механизм саналади. Манипуляция ва инсонларни бошқариш муаммоси ҳар доим мавжуд бўлган. Баъзи сектант организациялар инсонларни жалб этишда таъсирнинг турли хилларидан фойдаланидилар (авваламбор гуруҳий таъсир). Леополд Фестингернинг конгнитив диссонанс назариясига кўра, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва унинг фикрлаши ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Агар инсон ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартирса унинг фикрлаши ҳам биргаликда ўзгаради ҳамда диссонанс 0%га тенглашади. Онгни назорат қилишнинг бир нечта классик (мумтоз) моделлари мавжуд. Биринчи навбатда америкалик ҳарбий психолог Беркли Маргарет университети профессори Т.Сингернинг “Маданият бизнинг орамызда” китобида ўз аксини топган. Унинг тажрибасига кўра онг назорати самарали бўлиши учун қуйидаги шартлар зарур. 1. Инсоннинг вақтини назорат қилишни қўлга олиш керак, айниқса фикрлаш жараёнини. 2. Ўзини тушуниш моделини намоёни қилиш билан бир вақтда янги келганнинг (сектанинг янги аъзоси) ўзини ҳимоясиз ҳис қилишини ташкиллаштириш, мазкур секта раҳбарлари истагини ишлаб чиқиш. 3. Янги келганнинг (сектанинг янги аъзоси) аввалги ижтимоий ўзини хатти-ҳаракатини йўқ қилиш мақсадида унинг онгини таҳқирлаш, жазолаш ва бошқа амалий ҳаракатлар орқали бошқариш. 4. Жамоа назаридан четда қолганлар наздида қаттиқ тартибли тизимни яратилиши,

уларни ўзларидаги туғма камчиликни ҳис қилишга мажбур қилади. 5. Янги келганларнинг (сектанинг янги аъзоси) содир бўлаётган воқеа ҳодисалар тўғрисида ўзига-ўзи ҳисоб беришига йўл қўймаслик. Манипуляция жараёнини қўллаш диққатни жалб этишдан бошланади. “Муаммоингиз борми? Биздан бошқа ҳеч ким сизга ёрдам бера олмайди. Жамият мукамал эмасми? У ҳалокат томон юз тутмоқда! Биз кутқарув йўлини биламиз. Биз сизни кутқарамиз!”. Бу баъзи секталарнинг манипуляция қилиш учун фойдаланадиган усуллариدير. [9: 188-193]

Психологик реабилитация ва профилактика методларини ривожлантириш тарихи давомий эмас. Уларнинг ҳаммаси ғарбда ишлаб чиқилган, инсонни сектадан ҳалос этган илк метод депрограммалаш деб аталган. Мазкур метод асосида компьютер ва инсон мияси иши аналогияси бор. Секта инсонга ўзига керак ғояларни сингдиришда маълум методлардан фойдаланади. Агар бу методлар қўлланса, инсонга эски ғояларни унуттириб, янгиларини сингдириш мумкин бўлади. Мозес Девид Бергнинг қариндошлари “ҳудо болалари” сектасига тушиб қолишгач ва Тед Патрик 1970-йиллар бошида юқоридаги каби амалиёт ўтказган. Ўшанда у қариндошларини сектадан ўз методини қўллаб чиқариб олишга қарор қилган. Мазкур ғоя мантиқдан йироқлашмаган эди. Лекин унинг заиф томонлари тезда билинди. Одам компьютер эмас, уни шунчаки программасини ўзгартириб қўйиб бўлмайди. Депрограммалаш ўз ҳолича жиноят бўлгани учун инсонни мажбурий изоляциясини талаб этган. Бунинг устига депрограммалаштирилгандан кейин инсон сектани тарк этган бўлсада, унда жуда кўп психологик муаммолар қолиб кетади ва ниҳоят бу метод инсонларни секта сингдирган фобиялардан ҳалос этмаган. Ғарбда депрограммалаш тез орада бизнесга айланган ва у билан малакасизлар ҳам шуғулланишган, бироз вақтдан сўнг метод тақиқлаб қўйилган ва тарихда қолиб кетган. [10: 91]

Сектадан чиқишга доир консультация. Сектадан чиқишга доир консультация ишларини олиб бориш бу реабилитация методининг иккинчи босқичи. Сектантлар билан ишлаш

жараёнида уларнинг ўй-фикрлари депрограмма қилинади. Бу методда сектантга ўз сектаси ташкилоти ҳақидаги алтернатив маълумотлар келтирилади, секта ташкилоти тарихи сектанинг собиқ аъзолари билан учрашувлар уюштирилади. Агар шахс бу ишларга рози бўлса, унга уч кун давомида сектага доир материаллар билан мустақил ишлаш таклиф этилади. Шу вақт мобайнида у секта аъзолари дўстларидан маслаҳат олмай мустақил ўз фикрини баён этиши зарур.

Стратегик алоқалар усули. Бу метод америкалик психолог Стивен Хассон томонидан ишлаб чиқилган. Бу методиканинг ғоясига кўра, сектантга яқин унга бефарқ бўлмаган инсонлар таъсирига асосланади. Яъни сектантнинг яқинлари (ота-онаси, қариндошлари, дўстлари) секта аъзосини тўғри йўлга йўналтиради. Бунда ҳар бир команданинг вазифаси шундан иборатки, психолог назорати остида секта аъзосига тўғри йўл кўрсатишади, уни руҳлантиришади ва унга сектага доир алтернатив маълумотларни келтиришади. Агар бу иш самарали яқин топса, у ҳолда секта аъзоси психолог билан учрашишга рози бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон бирор маълумотни ёки ахборотни эшитар экан адашмаслиги, кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган қадриятларни бугун янада сайқаллаш кераклигини замон талаб этмоқда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсирлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зенько М.Ю. Трехвековой диалог психологии и религии в России//Христианское чтение. 2000. № 19. С. 82–164.
2. Консонанс: Альманах психологии и духовной жизни. М., 1995. № 1. С. 34–36.
3. Кьеркегор С. Заключительное ненаучное послесловие к «Философским крохам». М.: Академический проект, 2012. - 607 с.
4. Рубакин Н.А. Как заниматься самообразованием. Советская Россия.1962. -127 с.
5. Хайдеггер М. Время картины мира// Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993. -447 с.
6. Гадамер Г. Истина и метод.-М.,1998. -704 с.
7. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде.-Алмата.Фонд XXI век.1999. – 420 с.
8. Чернявская.А. Психология господства и подчинения. Хрестоматия.Киев -224 с.
9. Singer M. T., Ofshe R. Thought reform programs and the production of psychiatric casualties. // Psychiatric Annals. 1990. Vol. 20. P.188-193.
10. Вихорев С.А. История, теория и психология религии.-М.: 2010. -120 с.